

ТОШКЕНТ

Оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.

© № 77 (6. 866)

1989 йил 3 апрель, душанба

Баҳоси 3 тийин

УЧ МИЛЛИОН СЎМ ФОЙДА

Сергели мебель ишлаб чиқариш бирлашмасида меҳнатни ташкил этиш ва ҳақ тўлашнинг прогрессив формаси жорий этилганидан буён унинг маҳсулотларида бўлган талаб анчагина ўсди. Корхонада ишлаб чиқарилаётган 100 дан зиёд ассортимент турларининг сифати сезиларли даражада яхшиланиб борапти.

Мебель ишлаб чиқариш бирлашмасида бугунги кундаги мавжуд 55 бригадани 32 таси ҳўжалик ҳисоби шароитлари асосида меҳнат қилляпти. Мазкур коллективларда жорий этилган меҳнатта иштирок коэффициентини ягона наряд асосида ишлаётган бригада аъзоларининг ойлик маошини белгилайди.

Бугун бирлашма коллективиде якуний кўрсаткичларга бўлган масъулият ошди. Ишлаб чиқариш топшириқларини муваффақиятли адо этиш мақсадида бригадалар, цех ва бирлашма маъмурияти орасида коллектив шартномалар имзоланган.

Шу йилнинг январь ойидан бирлашманинг ҳўжалик ҳисобига ўтиши натижасида меҳнат унумдорлиги 104 процентга кўтарилди. Натижада ишчиларнинг маоши сезиларли даражада ошди. Уч миллион сўмлик фойда эса корхонада меҳнат шартнонларини яхшилашга, социал муаммоларни ҳал қилишга сарфланган.

Коллективнинг умумий ютуқларига муносиб ҳисса қўшаётганлар орасида пардозловчи Л. Ясанова, дурадгор Ю. Сапин, дурадгор-станоксоз С. Каримов ва бошқаларнинг номини ҳўрмат билан тилга олиш мумкин. Пешқадамлар сафи эса кундан-кунга кенгайиб бормоқда.

У. УСМОНОВ.

Министрлик ва институт ҳамкорлиги

Инсон сиҳат-саломатлигини мустаҳкамлаш йўлида хизмат қилаётган шифокорларни ўқитиб-тайёрлашда Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тошкент Давлат медицина институтининг коллективининг хизмати беқиёс. Кейинги вақтда бу ерда бир қанча ўзгаришлар амалга оширилди. Олий ўқув юрти қўлай замонавий бинога кўчиб ўтди. Ундаги керакли медицина анжомлари билан жиҳозланган хоналар ўқув машғулотларининг ҳам амалий, ҳам назарий жиҳатдан пухта олиб борилишига ёрдам бермоқда. Институт партия комитети юзага келётган ўзгаришларда коммуналчиларнинг ролини, фаоллигини оширишга алоҳида эътиборни қаратаёпти. Ҳар кварталда бир марта ўтказиб борилаётган партия йиғилишларида кадрлар тайёрлаш сифатини оширишдек муҳим вазифани қай даражада амалга оширилаётгани кўриб чиқилмоқда ва конкрет тадбирлар ишлаб чиқилияпти.

Йқинда институт партия комитети Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги партбюроси билан ҳамкорликда иш олиб боришни йўлга қўйди. Унда бевосита ҳар инқала томон

ҳам ўқув-тарбиявий, даволаш ишларини биргаликда такомиллаштиришни кўзда тутди. Министрлик ва институт партия комитетининг биргаликда ўтказилган дастлабки кўшма йиғилишида институт клиник кафедралари ҳамда соғлиқни сақлаш муассасаларидаги ўқув базалари ўртасида тузилган шартномаларнинг бажарилиши кўриб чиқилди. Мазкур масала юзасидан институтнинг даволаш ишлари бўйича проректори Мўмин Ҳожибоевич Ҳожибоев доклад қилди. Кейинги пайтларда беморларга клиникаларда қўрсатилаётган хизмат сифати янада ошди. Қўмладан, институтнинг 1-клиникасида республика диагностика маркази, 2-клиникада эса қўйган беморларни даволаш маркази очилди.

Мулоқотда асосан институт кафедралари ҳамда клиник ўқув базаларини бирлаштириш, инсон сиҳат-саломатлиги йўлидаги өзгу ишларни қўлдан-қўлга бериб бажарилишига муваффақият гарови эканлиги таъкидланди. Зеро, кафедра ва клиникаларнинг ҳамкорлиги ўқув ва практик машғулотлар бирлиги демекдир.

С. ОВЧАРЕНКО, Ф. ҚОЖИҚУЛОВА.

РАЙОН ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

Чилонзор район партия комитетининг 31 март кўни бўлиб ўтган пленумида ташкилий масала кўриб чиқилди.

А. М. Акромхўжаев Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аппаратида ишга ўтганлиги муносабати билан Чилонзор район партия комитетининг иккинчи

секретари ва бюро аъзоси вазифаларидан озод қилинди.

Илгари Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ташкилий бўлими мудирининг ўринбосари бўлиб ишлаган А. М. Алиев Чилонзор район партия комитетининг иккинчи секретари ва бюро аъзоси этиб сайланди.



Қизил байроқли коллективлар

«ЛОЛА» ФАБРИКАСИДА

Фоторепортаж


1988 йилги Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси ғолиблари қаторида Тошкентдаги «Лола» уна-элик фабрикаси коллективни ҳам бор.

Бугунги кунда фабрика коллективи бу юксак мукофотга яраша меҳнат қилаёпти. Ўтган йилнинг буюмлар етказиб бериш бўйича шартнома мажбуриятларини тўла адо этган коллектив планга қўшимча олти миллион 610 минг сўмлик маҳсулот тайёрлади.

Бугунги кунда «Лола»нинг юз хилдан зиёд маҳсулотлари бутун мамлакатимизда севиб харид қилиняпти. Бу ерда маҳсулот сифатига ҳам жиддий эътибор қаратилмоқда. Маҳсулот тайёрлайдиган дастгоҳлар муттасил янгиланб боришмоқда.

СУРАТЛАРДА: ишлаб чиқариш ил-ғорларидан—автоматчи Наргиза Музаффарова, созловчи Виктор Краснов, ишчи Нурхон Юсупова ҳамда автоматчи Нурия Мингасоваларни кўриб турибсиз.

Т. Каримов фотолари.



«Олий ўқув юртлири шаҳарчасида студентлар билан ишлаш муаммоси аниқсиз ўтирди. Бу ерда ўн минглаб сергейрат, куч-қувватга тўла ёшлар ўқишда ва яшашида.

Мадавний-материал муассасаларининг, китоб магазинларининг, маънавий хизмат корхоналарининг, спорт иншоотларининг етишмаслиги, ётоқхоналарининг маънавий жиҳатдан яхши жиҳозланмаганилиги кайфиятга ёмон таъсир қилимоқда...»

XXVI шаҳар партия конференциясида билдирилган бу танқидий мулоқозлардан кейин Студентлар шаҳарчасидаги аҳолини тўдан яхшилаш масаласи кечиктириб бўлмас вазифаларнинг бирига айланган. Бу ердаги йиллар давомида тўпланиб қолган энг муҳим муаммоларни бартараф этишга мўлжалланган социал программа ишлаб чиқилиб, қисқа муддатдаёқ бажарила бошланди. Ҳозир шаҳарчада бўлсангиз, ўзларига бўлган жиддий эътибордан ёшлар мамнуни эканликларини алоҳида эътироф этдилар. Бу қувончли ҳол, албатта. Аммо асосий ишлар ҳали олдинда.

— Сизни қандай муаммолар ташвишлантирмоқда? — дарадан қайтаётган Тошкент Давлат университети математика факультетининг IV курс студенти Рашид Охуновни ана шу савол билан қаршди олди.

— Биринчи ўринда озодликка етарли аҳамият берилмаётганидан хавотирдаман,— деди у жиддий. — Шаҳарчамизга келадиган меҳмонлар орасида чет элликларни ҳам бор. Уларда шаҳарчада қандай таассурот қолдирди: ахир қўлпала ётоқхоналарининг олди ифлос. Айтаман ишонмай-сиз, эрталаб дарага кетганда йўлларга ташланган қорғош парчаларини, газеталарни кўриб уялиб кетаман, худди бу ишни ўзим қилганидек.

— Демак, баъзи бир муаммоларнинг пайдо бўлишига аввало студент-ёшларнинг ўзлари сабабчи бўлишяпти эканда!

— Қанчалик аниқ бўлса ҳам бу фикрни инкор этиб бўлмайди. Хали ҳан ораимизда ўш мулкига ўғай муносабатда бўлаётган йигит-қизлар мавжуд. Шунинг учун ҳам шаҳарчамизнинг озодлиги, ётоқхоналарининг тозаллиги ҳақида

қўвониб гапира олмаймиз. Ўзимиз яшаётган 84-ётоқхона атрофида ўтган яхшанба кўнлари кўлашиб ҳашар уюштирдик. Аммо бошқа ётоқхонадагиларнинг бу ишдаги «хиссаси» сезилмади.

Энг муҳим, бу ерда китоб, канцелярия мағазинини тезроқ очиб қарақ. Яна темир йўл вокзали ва шаҳарларро қатновчи автобусларнинг олдиндан билет сотувчи кассаларини ташкил қилиш зарур. Уларнинг ҳўммасига ҳозир эътиб қатта. Тўғри, аспирантлар ётоқхонасидаги «Союз-печать» ўрнида ҳозир китоб сотувчи кичик бўлими ишлаб турибди. Аммо у ўн минглаб талабаларнинг турли адабиёт ва китоб нашрларига бўлган талабини қондирга олармикан!

Равшанининг эътирозлари қўшилмай бўлмайди. Яхши ўқиши ва яхши яшаш учун бугунги кун студентига ҳамма қулайлик зарур. Афсуски, танаси бошқа дара бўлмас, деганлари рост бўлиб чиқмоқда. Бу муаммолар социал программаларга мувофиқ шу йилнинг март ойига таътиллиши зарур эди. Лекин уни амалга оширишга жалб этилган масъул кишиларнинг сустқашлиги тўғрйли режа бажарилмай қолди. «Ташкилоттор» директори Т. В. Виселкова, Ўрта Осий темир йўли бошқармаси бошлигининг ўринбосари В. К. Давидов, марказлаштирилган усулда юк ташити трести бошлиғи В. А. Исмоиловлар ҳали ҳам Студентлар шаҳарчасида ёшлар учун қулайлик яратишга ошқинаётган.

Талабалар ошенидаги ошхоналарга аниқсиз жиддий эътибор зарур: студент-ёшларнинг аксарияти ҳали ҳам овқатларининг тури ва сифатини

қўйиниб. — Сифатсиз, пулига яраша эмас. Заводдагилар ёмон. 7-ғаниб қолишди одамларни алдашга. 15 тийин бўлдию, таъмида маза қолмади.

Пештахтеғ раам солдик. Харидорнинг эътирозлари ўринли эди. 3/5-нон заводидан олинаётган 4 минг дон патир ноннинг аксарияти шундай, талабга жавоб бермайди.

Янги мағазин талабаларга қулайлик яратди. Ўнинг иш вақти соат 8.00 дан 23.00 гача. Энди ёшлар мағазинга истасан вақтларда ташриф буюриб, нон харид қилишлари мумкин. Эрта-ю кеч бир сотувчи ва нон таловчи уларнинг хизматида. Аммо мағазинда йўлга қўйилган ўзига ўзи хизмат кўрсатиш усулидан кўпчилигининг кўнг-

ли тўлмаяпти. Бунинг ўрнига улар сотувчининг ўзи нон маҳсулотларини сотгани маъқул деган тақдирини ўртага ташламоқдалар. Ҳақ гапдан кўз юмиб бўлмайди. Талабни қондирши эса Со-бир Раҳимов район озик-овқат торги мутасадди раҳбарларининг виждонига ҳавола. Шу «Раййишче-торгга» қарашли 31-озик-овқат мағазинида доимо харидорлар гавжум бўлади. Аммо уларнинг кўпчилигини кейинги вақтларда пештахтадаги маҳсулотлардан қўнгли тўлмай чиқиб кетаётганга беларво қараб бўлмайди.

— Арзонроқ қолбаса ёки сосиска олмоқчи эдим, — дейди политехника институтининг авто-матик бошқармиш соҳаси факультети IV курс студенти Ҳамар Сарсенбаева. — Йўқ экан, Нар-ки қиммат қолбасадан эса истасангизгизча то-пишингиз мумкин. Уни ҳар доим ҳам сотиб олиш имкониятига эга эмасиз.

Патир нон олдим, нонилжикдан, — деди у

— Бизни озик-овқат маҳсулотлари билан таъминловчи бундан бошқа мағазини йўқ, шаҳар-чамизда, — дейди унинг дугонеси Жумагул Аб-дураимова. — Аммо эътиёбимиз учун керак бўл-ган нарсаларни ололмай хўнобмиз. Мағазинда ақин бир ойдан буён кир совунининг юзини кўр-мадик. Кир ювиш порошокларни ҳам кўрнимай кетди. Бошқа жойдан қидирганимиз билан ҳам барибир шу аҳвол. Бу маҳсулотлар олинган тақ-дирда ҳам ўша кунлик тушликка қолмай тугаб кетади. Бизлар дарсда бўлганим. Наҳотки, уни келероқ студентларни ўқув машғулотларидан қайтадиган вақтига тўғрилоб сотиш мумкин бўлмасай!

Етоқхона — студентнинг иккинчи ўйи. Биз ун-даги шарт-шароитларга кейинроқ тўхталмоқчи-миз. Эндиги мулоҳазамиз ана шу иккинчи уйга эга бўлмаган студентлар ҳақида. Утман Муусул-монов, Ҳусан Сафаров, Эшмурод Мамадалиевлар айни кўнларда политехника институтининг механика факультетида I курсда тахсил олиш-моқда. Улар дарсдан чиқиб, бошқалар каби ётоқхонага эмас, ижарадаги квартираларга ошқинадилар. Уларнинг ётоқхонадан жой бериш-ларини сўраб ёзган аризалари қондирилмади. Ижара квартирада эса ётоқхонадагиларникидек имтиёзлар йўқ. Оқибатда қанд, шокерни ёшлар ўз уйларига борган пайтларидегидай олиб кел-моқдалар. Гўшт олишни хавфларига ҳам кел-тиришмаяпти. Афсуски, бундай ёрдамга муҳтож талабалар оз эмас. Бу ҳолинг ҳеч кимни таш-вишлантирмагани ажоблантиради одамни. Ахир улар ҳам курсдошлари каби 1,5 килограмм гўшт, шокер ёки қандни ўқибётган жойларидан олиб туришни хошлайдилар-ку?

Студентлар шаҳарчасида муаммолар кўп. Биз уларнинг орасида шу кеча-кундузда ҳал бў-лиши зарур бўлган, аммо ҳал этилмай келинаёт-ганлари ҳақида тўхталдик. Ҳолос. Бу ердаги со-циал-маънавий шартнон яхшиланиш учун яқин йил-лар ичиде кўп ишларни амалга ошириш кўзда тутилмоқда. Қизик, бу муаммоларнинг ҳар бири юрторда айтилганда, жуда секинлик билан бартараф этилсиз, у ҳолда олий ўқув юртлири шаҳарчасидаги аҳвол қачон ўзгаради!

Р. АХМАДАЛИЕВ.

Гаванага ташриф буюр-ган меҳмонларга унинг янги, диққатга сазовор гўшаси — республика социал-иқтисодий тарақ-қиётининг доимий ишлов-чи «Экспо—Куба» вис-тавақасини албатта кўрса-тишди. Бугун бу ерда М. С. Горбачевнинг визи-тини ёритиш учун Гава-нага келган юзлаб жур-налистларнинг кўпчили-гини кўриш мумкин. Виставка пойтахтнинг жануби-шарқий зонасида жойлашган.

Миср Араб Республи-қасининг президенти Ҳ Муборак Вашингтонга жўнаб кетди. Бугун у АҚШ президенти Ж. Буш билан учрашди. Бу аме-рикалик раҳбарнинг ап-рель ойига мўлжаллан-ган Яқин Шарқ давлат-лари раҳбарлари билан туркум учрашувларининг биринчиси бўлади. Ора-дан уч кун ўтгач, Миср президентидан сўнг АҚШ пойтахтига Исроил бош министри И. Шамир ке-лади, 19 апрелга эса Иордания қироли Ҳусайн-нинг визити белгиланган.

ВИНДХУК. Ўтган кун шак-шубҳасиз Намибия тарихида муҳим босқич бўлиб қолади. Бирлаш-ган Миллатлар Ташкило-тининг мамлакатга мус-тақиллик бериш тўғриси-даги плани 1 апрелдан расмий кучга кирди. БМТ бош секретарининг Намибия бўйича вакили Мартти Ахтисаари ЖАР-нинг Намибиядаги бош администратори билан биргаликда территория-нинг бошқарилишини на-зорат қилишга киришди.

БРЮССЕЛЬ. Бельгия коммунистлар союзи — мазкур мамлакат комму-нистик партияси энди-ликда ана шундай деб номланади. 18—19 март кўнлари бўлиб ўтган, уставга тузатишларни маъқуллагай ХХҲҲ пар-тия съездининг бу ерда тарқатилган ҳужжатла-рида ана шу ҳақда гапи-рилади.




БИЛДИРИШ

Игирманчи тақрир қил-ди депутатлари Тошкент шаҳар Советининг туққи-зиччи сессияси 1989 йил 14 апрель соат 11.00 да область партия комите-тининг катта мажлислар залыда (Ўзбекистон кўча-си, 9) очилди.

Партия группасининг мажлиси соат 10.00 да бўлади.

Депутатлар ўша ер-нинг ўзиде соат 9.00 дан рўйхатга олинади. Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети.



«Ўзбеклопош» бирлашмасининг рақамли программаси бўшқару цехида Абдуфаттоҳ Абдуқодиоровни ҳамма танийди. Интилувчан ёш мутахассис қисқа фурсат ичида коллективдагилар ҳурматиға сазовор бўлди.

СУРАТДА: А. Абдуқодиоров.

М. Назаров фотоси.

Меҳнати билан обрў топаётганлар



Тошкент бош кийимлар фабрикасининг пешкадам ишчиларидан бири Фархона Камолова социалистик мусобақанинг олдинги сафарида боряпти.

СУРАТДА: Ф. Камолова.

Т. Каримов фотоси.

Тинчлик фонди—интернационалчи-жангчиларга

Совет Тинчлик фонди Ўзбекистон бўлимининг фаолияти Тошкент ҳарбий госпиталига Финляндиядан келган танқис дори-дармон солинган постилани топшиқди. «Энепол» фирмасининг доришу-

нослари бу ерда даволанаётган интернационалчи-жангчиларга махсус буюртмага биноан дори-дармон юборди. «Биз, финляндиялик тинчлик тарафдорлари Совет Ит-

тифоқининг ҳар қандай буюртмасини бажаришга, собиқ интернационалчи-жангчиларини барча зарур нарсалар билан таъминлашда ёрдам беришга, сизнинг тинчликни сақлашга

қаратилган ҳар қандай ҳаракатингизни қўллаб-қувватлашга тайёриймиз,—деб ёздаи тошкентликларга юборган ўз мактубида фирма бошлиғи, Финляндия ёшлар ҳаракати раҳ-

барларидан бири Кристофер Айденлер. — Биз Ўзбекистоннинг бизнинг орхонамига ўхшаш ёшлар фирмалари билан амалий ҳамкорлик қилишни қўллаб-қувватлашга тайёриймиз.

Шахсий фикр

дан ошмади. Бировнинг сўзига кириб, шундай боғимдан ажраб ўтирибман.

Дўстим хайрлашди. Бозорни четлаб ўтар эканман, йўл-йўлакка сават ва тоғораларини тўдириб олган кўчатчиларнинг бозорига бошларига қўтариб савдо қилишга ётганини кўрдим. Кичкина боғламли укроп, қашниқ, пиза билан бирга ялпиз, хатто ўсма ҳам сотилмоқда. Қизик, ариқ бўйларидан ўсиб ётадиган ялпизни ҳам пулга сотадиган бўлишибди-да! Одамлар арзиманган нарсаларни ҳам сотиб, пул қилишга ўрганишибди. Иш шу зайдла бораверса, қирқ кунларда ток баргини ҳам пулга сотиб оламиз. Қаранг, шундай дарахт, яъни ҳар бир нарсани сотиб олишга ўрганиб қолган одамларнинг ўзлари ҳаддан ташқари дугаси бўлиб кетмаганмикинлар? Улар орасида меҳр-оқибат кучайиш ўрнига пул-пул... Ахир, шу кўчатларни «дом»да ўтирувчилар ҳам бўйрача келадиган жойга сепиб етиштирилари мумкин-ку! Йўқ, мен гулчиликка асло қарши эмасман. Ҳамма ҳам ўз уйи атрофидан 5—10 тул гул бўлишини истайдилар. Аммо пул топшиш учун мевозор боғларни бўзиб, гулхонага айлантирилган кишиларга беварқараб қараб туролмайман. Азиз оқшомхонлар! Келинг, ганимат кунлардан унумли фойдаланг, ҳар бир жон боғишга ҳеч бўлмаганда икки тулдан мевали дарахт ўтказиб, парварши қилайлик. Мен март ойи пенсияни учун олган 132 сўмга 80 та тул мевали ниҳоллар сотиб олиб, ҳар бир набирам ҳисобига 3 тулдан дарахт ниҳолларини ўтказиб қўйдим. Хатто «дом» олдидаги ерга ҳам 12 тул мевали кўчат ўтказдим.

Х. ЙУЛДОШЕВ,
меҳнат ветерани.

Луқма

«Қаламчалар»нинг шираси қани?

Болалар азалдан ширинликка ўч. Буни яхши билган қандолатчилар турли ширинликлар билан ҳушуд этишвирт. Лекин уларнинг ҳаммаси сифатли тайёрланапти, деб бўлмайди.

Яқинда «Чилонзор» массивидаги бир дўкочадан Янги Тошкент консерва комбинатида ишлаб чиқаришга «Ширин маккам»хори қаламчаларидан уч қутисини сотиб олдим. Аммо фарзандларим олдида мулзам бўлганини қолди. Чунки улардан тотинишга, юзлари бўймайди кетди. «Қаламчалар»да умуман шира йўқ

эди. (Илгари қўшнилариим Азиз ва Ферузахонлар шундай «ширинлик» сотиб олишганини гапирганда тўғриси, ишонмаган эдим). Эҳтимол, бунга шакларнинг камёблиги, сабабдир. Агар шундай бўлса, қўти ёрлигида бу баҳона ифода этилиши керак эди. Қолаверса, нархи-чи? Бир вақтлар 28 ти янги эди, ҳозир 32 тиини! Шу ўринда ҳақли савол турганиди. Комбинатдаги амалиялар «Аллага»ни бола яхши» қабилда иш тутиб, уларнинг ризқини қийишмаптими?

М. НАБИЕВА.

Янгиликни шарҳлаймиз

«Нега билетни автобус шофёри сотаяпти?» — деб сўрашадим. Бунга нима дейсиз?

— Ижарага ўтгандан кейин автобус шофёри ё унинг ака-укаси билет сотавериши мумкин. Йирик маршрутлардаги автобусларда кондуктор билет сотади.

— Ижара усулига ўтган автобус маршрутларида яна қандай ўзгаришлар бўлади?

— Аввало автобус ҳайдовчиларига ҳақ тўлаш ва мукофотлаш тўғрисидаги қонунлар ишлаб чиқилмоқда. Шунга кўра неча марта рейсда бўлгани, ҳаракат мунтазамлиги, йўловчиларга хизмат кўрсатиш маданияти ва бошқа омиллар қатъий ҳисобга олинди. Автобус салонларида микрофон орқали барча зарур ўзгаришлар (ижара пудрат шартларида ҳақ тўлаш ва бошқалар) ҳақида ахборотлар бериб бориш ташкил этилади. Ҳар бир автобусда ўзбек ва рус тилларида бу ҳақда эълонлар осиб қўйилади.

— Энди абонемент сотади-ган автобус киоскаларига иш қолмас экан-да.

— Ҳа, абонемент сотади-ган барча автобус киоскаларига энди иш қолмайди. Шунинг учун 1 апрелгача улар тугатилади.

— Трамвай-троллейбусда юриш учун алоҳида абонемент билетлари бўлади, деб эшитдим.

— Тўғри, трамвай-троллейбуслар учун ҳозир янги абонемент билетлари намуналари тайёрланапти. Уларни йўловчилар шаҳарнинг истаган савдо ташкилотидан сотиб олишлари мумкин.

— Билет олмайдиган пасажирнинг тақдирини энди нима бўлади?

— Ижара пудрати билан билетсиз юришни озди қилганларга қатъий ҳоқ қўйди, деб ўйлайман. Назорат сўзсиз кучайтирилади. Бу ишга жамоатчи назоратчилар кенг жалб этилади. Шунга ҳам айтмоқчики, агар тошкентликлар онгли муносабатда бўлишса, назоратчилардан ҳам кейинчалик унуман воз кечиб мумкин. Ахир, бирлашмасида бўйича диспетчерлик боксрувнинг автоматлашган системаси ишга тушиши билан диспетчерлар штати ҳам қисқара бошлайди.

Рус тилини ўрганаемиз

Ўнингчи сабоқ

Профессор Алибек РУСТАМОВ таҳрири остида. ТАЛАФФУЗ. Ўтган сабоқларда «ургу» деган сўз куп тилга олинди. Энди ана шу ургу ва унинг рус тилидаги ўзига хос хусусиятларини билиб олишимиз керак.

Рус тилидаги ургу жуда мураккаб бўлиб, бу ҳақда русларнинг ўзи учун ҳам катта-катта китоблар ёзилган. Аммо бунинг рус тилини ўрганаётган ўзбеклар учун жуда зарур бўлган энг муҳим жиҳатини буюк олим Е. Д. Поливанов баён қилган эди. У ўзининг ўзбек тили билан чоғиштириб ёган рус тили грамматикасида рус тилида ургу турли ўринли бўлгани учун сўз ва сўз формаларини фарқлаш учун хизмат қилишини, лекин ўзбек тилида ургу турган бўлгани учун сўз ва сўз формаларини фарқлаш вазифасини бақара олмаслигини айтган эди. Олим ўзбек тилида гап охиридаги кесимини ургуси биринчи бўғинга қўйиши мумкин деб, бу ҳодисани ургунинг таъкид, қучайтирув учун қўйиш деб таърифлаган эди. Бунда ургу охири бўғиндан биринчи бўғинга қўчади.

Рус тилидаги ургунинг сўздан сўзни фарқлашга мисоллар: ургу аломатига () аҳамият беринг: замок (қулф) — замок (қаср) мук (ун) — мук (қийналиш)

Сўз формаларини фарқлашга мисоллар: город (шаҳарнинг) — город (шаҳарлар) руки (қўлининг) — руки (қўллар) моря (денгизнинг) — моря (денгизлар)

СОН. Рус тилидаги сонларнинг ҳам ўзига хос жиҳатлари бор. Бирин билдирувчи сон рус тилида «один», «одна», «одна» деган шаклда бўлади. Буларнинг қайсинини қайси ҳолда қўллаш керак? Қатъий ундол билан тугатган ва ёзувда юмшатиш белгиси бўлмаган сўзлар билан «один» шакли ишлатилади.

один стол — битта кустин
один стол — битта стол
Юмшак ундол билан тугатган ва ёзувда юмшатиш белгиси бор сўзлар билан баъзан «один», баъзан «одна» шакли қўйилади.

один портфель — битта портфель
одна тетрадь — битта дафтар

Агар сўз «а» ва «я» билан тугатган бўлса, «одна» шакли ишлатилади.

одна кинга — битта китоб
одна столовая — бир ошхона

Агар сўз «о», «е», «ё» ва «мя» билан тугатса, «одно» шакли қўйилади.

одно перо — битта перо
одно время — бир вақт

Сўз жонли нарсаларини билдирганда саналмишнинг эр-как ёки аёллиги ҳам ҳисобга олинади.

один юноша — бир йигит
одна девушка — бир қиз

«Один» сонининг рус тилидаги ўзига хос хусусиятларидан аниқ бири шундан иборатки, унинг қўлиги «один» ҳам юқорида айтилган шакллар сингари ишлатилади.

Иккинчи билдирувчи сўз икки шаклга эга. Бир «два» бўлиб, «один» ва «одно» ишлатилган ўринларда ишлатилади. Аммо саналмиш родителъный падежнинг бирлик формасида берилади. Масалан: «два стола», «два пера». Иккинчи шакли «две» бўлиб, «одна» ишлатилган ҳолатда қўйилади. Масалан: «две книги». Бошқа сонлар бир шаклга эга. «Три» (уч) ва «четыре» (тўрт)дан сўнг ҳам саналмиш формаси родителъный падеж бўлади. «Пять» (бешдан бошлаб шу форманинг қўлиги берилади. Масалан: «пять столов», «пять книг».

А. МАҲАМАТОВ.

Шарҳчи сатрлари

Намибия: тарихий бурилиш

«Аэрофлот»нинг «Ил-76» самолёти Виндхукдаги учини-қўни полосуғига келиб тушганида ЖАР ҳарбий ҳаво кучларининг офицери: «Намибия осонда русларнинг самолётини кўраман деб ҳеч нарча уйламаган эдим», — деб хитоб қилди. Совет Иттифоқининг иккита транспорт самолёти БМТ кучлари составидаги фин ва югослав ҳарбий зиматчилари қисмининг ҳам БМТ группаси учун аслах-анкомиларини Намибиянинг маъмурий марказига элтиб берди. БМТ группаси ЖАР курали кучларининг шу мамлакатдан олиб чириб кети-лишини, савло ўтказилишига унга тўла мустақиллик бери-лишини кузатиб туради.

1 апрель кунин Африка қитъасидаги сўнгги мустамлака бўлими Намибияда мустамлакачиларнинг тугатиш жараёни бошланди. У жаҳоннинг сиёсий картасида ўтган асрнинг охирида пайдо бўлган эди. Ўшанда Кейзер Германияси Жануби-Гарбий Африка териториясини босиб олиб, уни ўз мустамлакаси деб эълон қилган. Биринчи жаҳон уруши вақтида Жанубий Африка уюшмаси (ёнданида ЖАР) Жануби-Гарбий Африкани босиб олди. 1920 йилда у ана шу териториянинг бошқариниш учун миллатлар иттифоқининг маддатини олди, аммо БМТ Бош ассамблеяси 1966 йилда уни бекор қилди. Шунга қарамай, ирқчилар Намибияни ўзининг мустамлака ери деб билиб, унда қўяниқлилик қилишни давом эттиравдилар. Намибия халқи ўз мамлакатини

нинг ғайриқонуний равишда оккупация қилиб турлишига ва мустамлакачилик зулмига тоқат қилмади. Намибия халқининг 60-йиллар охиридаги курали тур ошқин курашида Жануби-Гарбий Африка халқи ташкилоти (СВАПО) раҳбарлик қилмоқда.

1978 йилда Хавфсизлик кеңаши қабул қилган 435-резолюция Намибия теваригидаги воқеаларнинг ривожига муҳим марра бўлиб қолди, бу резолюция Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ҳоқимияти БМТ воситачилигида Намибия халқига топшириб тургисиди қарорини бажариш зарурлигини таъкидлади. Резолюция ўт очини тўхтатилишини, БМТ назорати остида савло ўтказилишини, конституция ишлаб чиқирилиб, мамлакат мустақил деб эълон қилинишини қўзда тутарди.

Маълумки, ЖАРнинг ирқчи маъмурияти Гарбининг сукут сақлаб қузатиш билан жаҳон ҳамжамиятининг талабини назар-писанд қилмадилар ва Намибияга доир ўз режасини ишлаб чиқдилар. Бу режа халқаро жамоатчиликни алдаш мақсадини қўзғалди — унинг моҳияти мамлакатга сохта мустақиллик беришдан ва БМТ СВАПОни намибияликларнинг бирдан-бир қонуний вақили деб тан олаётганлигига қарамай, шу ташкилотни сиёсий қараёндан чиқариб қўйишдан иборат эди. Ана шу мақсадда ЖАР режими 1985 йилда «Кўп партияли конференция» деб атайиш муро-саи партиялар коалициясининг ёрдамида қўғирчоқ «мува-

қат ҳукумат» билан «маллий ассамблея»ни ҳоқимият тепа-сига чиқариб қўйди. Уларга мамлакатнинг бошқаришда ке-ланган ижроия ва қонуи чи-қарил вақолатлари берилади. «Хукумат» Намибия респу-бликаси тугилишини қўзда ту-туви «Конституция» лойиҳа-сини маъқуладди.

Халқаро ҳамжамият Нами-бияга қўғирчоқ режам ўрна-тилишини қоралаб, бу тадбир-ини ғайриқонуний деб эълон қилди. Аниқ вақтда ЖАРнинг ҳукумори доираларига Намибия халқининг ўз мамлакатни муста-қиллиги аълидаги курашини курали кутро билан бостириш галаба келтирмаслиги тобора равшан бўлиб қолди. Утган йилининг декабрь ойида Бразавилда ЖАР вақили Африканинг жа-нуби-гарбий ақлолини бартараф этиш тўғрисидаги битим-ларга имзо қекди, ана шу би-тимлар БМТ Хавфсизлик ке-ңашининг 435-резолюциясини бажариш йўлини очди.

Ниҳоят, ЖАРнинг Намибия-дан чиқиб кетишига тўғри ке-лади, аммо ҳозир босқинчи маъмурият мустамлакачилик-ни тугатиш ва БМТ назорати остида ноябрь ойига белги-ланган яқин савлога тайёр-гарлик жараёнига тўқилиши қилиш учун ҳамма ишни қил-моқдалар. Шу муносабат билан БМТнинг Намибияга доир ке-ңаши Хавфсизлик кеңашининг 435-резолюцияси бажарилинг-га қадар ўз фаолиятини давом эттириш тўғрисида қарор қа-бул этди.

Борис ФЕДОРОВ,
(ТАСС).



Америка Қўшма Штатлари. Американинг Лас-Вегас шаҳрида ҳар йили ўтказиладиган набатдаги «Жаҳон гўзали» конкурси Перу вақилисининг галабаси билан тугади.

Посла де Загер (суратда ўртада) — Перу-нинг Ференафе шаҳрида истиқомат қилувчи

АП — ТАСС телефотоси.

Икки хил манзара

Шаҳримизнинг кенжа массивларидан бири бўлими Калинин массиви ҳам ўзининг тугал қиёфасини эггалмоқда. Тошкент територи-яли қурилиш бирлашмасининг 3-уйсозлик ком-бинати бунёдкорлари бу ерда сўнгги турар жой биносини тиклашапти. Социал-маданий-мақшият объектлардан массивда мактаб, 640 ўринли болалар боғчаси бунёд этилди. Бу-ларнинг ҳаммаси қувонтиради.

Савдо ва умумий овқатланиш соғлиқни сақ-лаш объектларини тиклаш, инженерлик тар-моқларини ўтказиш ишларининг аҳоли эса аксинча ташкилланган. Массивда ошхона, сановат ва озиқ-овқат магазинлари, алкока бў-лими ва дорихона қурилиш бошланмаган. 3-уйсозлик комбинати коммунал объектлар қу-рилиши учун ажратилган маблағларни ўзлаш-тиролмаяпти. Ажратилган 2626 минг сўмдан атиги 1188 минг сўми ўзлаштирилган ҳо-лос. Г-28-Г-36 кўчалари бўйлаб инженерлик тар-

моқлари фойдаланишга топширилгани йўқ. Энг муҳими, соғлиға 3000 куб метр суви ҳай-даш қувватига эга бўлган насос станцияси қурилиш қўзилиб кетаяпти. Уни ишга туши-ришининг белгиланган муддатлари бир неча марта барбод этилди. Бу демак, ёзинг жаз-ирана иссиқ кунлари массивдаги уйларнинг юқори қаватларида истиқомат қилувчи оила-лар совуқ сувсиз қолиши мумкин. 3-уйсозлик комбинатининг раҳбарлари (бошлиғи С. С. Султонов) ана шундай қўнғисиз аҳолининг олдин олиш, сув таъминотини нормал йўл-га қўйиш учун насос станцияси қурилишини қисқа вақт ичида тугаллаш масаласини ҳал қилишлари лозим.

В. АБРАМОВ,
Тошкент шаҳар халқ кнтрлди комитети штатсиз курилиш бўлими мудирининг ўринбо-сари.

Шундай касб эгалари борки, улар ҳақида деярли эсимлайди. Таржимонлик ушбу фикрнинг исботидир. Чорак аср, яъни умрининг тенг ярмини Ўзбекистон телеграф агентлигида таржимонлик ишига бағишлаб келадиган ҳамшахримиз Иқбол Эгамбердиев билан штовтсиз муҳбиримизнинг сўхбати касбга фойданиқдан бошланади.

— Ўзбекистон ахборот агентлиги фақат хабар корхонасига эмас, балки мутаржимлик маснаи ҳамдир. Ҳар кун республика, область ва район газеталарига турт саҳифадан олти саҳифагача материал юрилади. Ана шу хабарлар, мақолалар ва расмий ҳужжатларни, лаҳза ва очеркларни ҳаммаша ҳам завқ билан таржимона қилаётибми?

— Албатта, бу хабарларни қандай эганидиганга, муаллифнинг маҳорати, билими, таърибисига ва савиясига ҳам боғлиқ. Шу ўринда мен халқаро шарҳларнинг тили тарафлашганга, журналистиканинг турли жанрларидан фойдаланишга ҳаракат қилинаётганлиги тўғрисида гапирмоқчиман. Завқ билан таржима қилишга келганда, шунинг айтиш керакки, одамлар учун муҳим ва зарур бўлган юмушнинг вақтида уудалаш, раво ва жозибали эълан хабарларни ўз

ва журналларимиз ниҳоятда ўқимшли бўлиб бормоқда. Бир вақтлардаги қуруқ расмийликдан иборат бўлиб қолган матбуот органларимизда тилимизнинг, неча минг йиллик ўзбек маданиятининг бутун кўрғи, шуғри имкон қадар ўқувчиларга етказилмоқда. Бир таржимон ва муҳаррир сифатида айтадиган

Минг бир касб

Таржимон

она тилингиза ифода қилиш қувонч бахш этади. Таъсирчан, шундай материаллар ҳам учрайдики, улар мазмунли тил билан эълан бўлади. Аммо биз — таржимонлар ҳар бир мақола ва хабарда ўзбек адабий тили ўз ифодасини топишига, ўзбек тилининг ўзига хос нафосати сезилиб туришига, тилимизнинг сўз бойлигидан унумли фойдаланишга имкони борича ҳаракат қиламиз.

— Ҳозирги вақтда она тилимизнинг бойлиги, меросимиз ҳақида кўп эъланмоқда...

— Кейинги пайтларда қайта қуриш шарофати билан газета

бўлсам, тилимизнинг гўзаллиги, маънавий ҳазинасидан ҳали ҳам дуруст фойдаланаётганимиз йўқ.

Биз деярли ҳар кун Яқин ва Урта Шарқ мамлакатларида содир бўлаётган воқеалар хусусидаги мақола ва хабарларни таржима қиламиз. Масалан, Эрон раҳбари Хумайни инглиз ёзувчиси Салмон Рушдини муслмонлар шаънига тегадиган китоби учун ўлимга ҳукм қилганлигини ҳаммамиз эшитдик. С. Рушдиннинг китоби рус тилида «Сатанинские стихи» деб аталади. Аввал биз бунинг гап нима ҳа-

ёриб синчковлик билан ишлашни, кўп нарсалардан ҳабардор бўлишни талаб этишини таъкидлашди.

— Таржимонликнинг илмий негизи, пойдевори ҳақида ҳам сўзласангиз...

— Аввало устозлар мероси ва лугатларимиз бор. Лугатларимизнинг бизга нафи тегяпти. Лекин ҳозирги мезон, ҳозирги талаблар нукта назардан баҳо берадиган бўлса, ҳатто 1983 йилда нашр этилган 2 томлик «Русча—ўзбекча» лугат ҳам она тилимизнинг бутун бойлигини қамраб ололмаган, 1988 йилда чиққан «Ўз-

бекча—русча» лугат нисбатан тўлиқроқдир. Фурсатдан фойдаланиб, лугат муаллифларига миннатдорчиликни изҳор қилмоқчиман. Адабий тилимиз ҳақида минг йиллик чинордек яшнаб турган тилига яқинлаштириш биз ижодкорлар — ёзувчи, журналист ва таржимонларнинг бурчи-дир.

— Иқбол опа, аёл сифатида ўз касбингизга қандай қарайсиз?

— Таржима тил билишдан ташқари кенг мушоадала, билимли бўлишни, кўп нарсаларни ўқиб-ўрганишни ва энг муҳими шу минг астойдил савишни талаб қилади. Ҳар бир миллат вакили ўз она тили ҳақида жон куйдириши лозим. Таржимонлик касбига келганда, шунинг айтиш керакки, ҳар қанча қийин бўлмасин, аёл таржимонлар сифи кенгайишни истаётган.

Шу пайт Ўзбекистон ахборот агентлигининг таърибани мутаржимларидан бири Иқбол Эгамбердиев билан сўхбатимиз бўлиб қолди: чуқури телетайп ленталари орқали муҳим мақолалар кела бошлади. Таржимон уларни ҳамкасблари билан биргаликда ўзбек ўқувчисига етказиш ҳаракатига тушди...

Сўхбатни А. АБДУҚОДИРОВ ёзиб олди.

Ибратли тадбирлар

СССР халқ депутати, Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правлениесининг секретари, таниқли шоир Абдулла Ориповнинг шеърлари муаллиф-ижросида янграйди, артист Хотам Хожиевнинг ашулалари уларга ҳамоҳанг бўлади...

Ҳамза районидagi 22-маҳаллада ҳашар йўли билан бунёд этилган клубнинг очилиши ана шундай эсда қоларли бўлди.

Районда маданият муассасалари кам эмас. Аммо маҳалла аҳли биргаликда туланиб маслаҳатлашиб олиш, ўзлари ёқтирган адиб ва санъаткорлар билан учрашиш, миллий анъаналарни нишонлаш аҳтиёжини тобора кучли ҳис этадиган бўлиб қолди. Шу тариқа жамоатчилик асосида клуб ташкил қилишга киришилди. У баҳорнинг сўлим кунларида маҳалла аҳлини ўз бағрига олди.

Кўни кеча маҳалла аёллари бу ерга туланиб сумалар қилдилар. Дастурхонга кўк сомсалар, Наврўзнинг бошқа таъсиқ таомлари тортиди. Халқ ижодиётининг ажойиб анъаналари ёдга олиниб, лапарлар айтилди.

— Кейинги пайтларда аҳолининг фаолияти ортаётганлигини мамнуният билан қайд этиш керак, — дейди маҳалла комитетининг раиси Маҳаммадин Расулмуҳамедов. — Неча йиллардан бери ариқларимиз қуриб ётарди. Бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилганлигимиз туфайли ҳозир сув келтирилиб, ниҳоллар лиянй бошлади. Ҳозирги кунда маҳалламизни телефонлаштириш, газлаштириш ниҳоясига етмоқда. Бу ишларни амалга оширишда маҳалла комитети активлари фаол иштирок этмоқда.

Янги клубимиз эса халқимизнинг энг яхши анъаналари, маҳалладошларимизнинг тантаналарини биргаликда нишонлайдиган жойга айланади.

Н. ДЕҲҚОНОВА.



Тошкент темир йўл транспорти инженерлари институтини — республикамизнинг энг кеска ўқув муассасаларидан бири. Бу ерда пўлат магистраллар учун кенг профилдаги мутахассислар тайёрланади. Студентлар ихтиёрига замонавий техника билан жиҳозланган аудиториялар, электрон ҳисоб-

лаш комплекслари, лабораториялар бериб қўйилган.

СУРАТДА: доцент М. Алиев микро электрон ҳисоблаш машиналари залда машғулот олиб бормоқда.

А. Жданов фотоси.

Инсон юрагининг қалқони

Каунас кардиохирурглари мамлакатда биринчи бўлиб уришдан тўхтаган юракни қайта ҳаракатга келтириш операциясини ўтказдилар.

Дефибрилляция — бу юракнинг бир маромдаги уришини электр токи воситасида тиклаш демакдир. Бу усул кардиохирургияда кенг қўлланилмоқда. Афсуски, бундай ҳолларда ўз вақтида берилмаган ёрдам беморнинг тўсатдан вафот этишига сабаб бўлиши мумкин.

СССР Соғлиқни сақлаш министрлиги

юрак уришининг қаттиқ бўзилиши ва электрокардиостимуляцияни хирургияк даволаш Бутуниттифоқ марказининг раҳбари академик Ю. Бредикс Каунас клиникасида операция қилди. В. Исмли беморнинг юрагида организм ичига ўрнатилган аппарат билан бираштирилган электродлар қайта ҳаракатга келтирилди. Дефибриллятор юрак фаолиятини назорат қилади ва унинг уриши тўсатдан бузилганда автоматик равишда туртки бериб, ҳаракатга келтиради. Ўрнатилган аппарат 250 тага

яқин разряд ишлаб чиқариш қобилиятига эга бўлган батарея билан таъминланган. Мазкур клиниканинг ўзида бошқа бир семор ҳам худди шундай операция қилинди. Уни академикнинг ўғли ва шогирди А. Бредикс амалга оширди.

Ҳар икки операцияни ўтказишда Австралининг дефибриляторлар берган «Теле-электроникс» фирмасининг Лондондаги филиали вакили, биоинженер П. Холландер қатнашди. Фирма билан шу методни такомиллаштириш борасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида шартнома тузилди.

В. ГАВЕЛЕНЕ, ТАСС мухбири.

«Хўрматли редакция! Бошимизга оғир мусибат тушди. Чопқиллаб, югурғиллаб юрган етти ёшли жондан азиз ўлимиз Муроджон ангина операцияси туфайли бевақт оламдан кўз юмди. Ушбу фожиа бизга қаттиқ таъсир қилди, қалбларимизни яралади. Яйлаб сира ўлимизга етолмаймиз. Наҳотки, шу арзимас касаллик кўзимизнинг оқу-кораси бўлган фарзандимизнинг ўлимига сабаб бўла олса? Ахир у касалхонага ўзи оғиб билан юриб борган эди-ку! Врачлардан наҳот истаб, дардига шифо топиш ниятида келган эдик у бу ерга. Агар биз ушбу фалокатни олдиндан бил-сак ўлимизнинг бошини ўз қўлимиз билан ажал-га тутиб берардикми. Ахир ҳаётда қанча-қанча одамлар бурун ўсимтаси ва ангина касаллигига парво қилмай юришибдику. Хўш, бу фожиага қандай баҳо бермоқ керак? Бу нима ўзи, врач-ларнинг лоқайдлигими ёки Гиппократ қасамига хиёнатми?»

Редакцияга Юнусовда оқсизиди ишқомат қилувчи Комил Алиевлар оқсизиди келган ушбу хатни ҳаяжонланмасдан ўқиб бўлмасди. Унда совет врачининг фаизлатлари билан бирга афсуски ҳали учраб турадиган иллатлар ҳақида ҳам рўй-рост фикр юритилганди. Шифохона палата-сида шифта кўз тикканча дардига даво наолаб ётган бемордан бирор нарсани ундириш истагиди юрган, ўзининг бу қора қилмиши билан элда ё-зо-зо тоған, дили пок, нўли гул, ҳалол ва заҳмат-каш минг-минглаб ҳамкасблари юзига қора чап-лаётган баъзи оқ халатли кимсалар, беморларга совуққонлик билан қараётган, уларни палла-пар-тиш даволаётган чаласавод врачлар ҳақида ку-йиб-ўрганиб ёзарди хат муаллифи.

«Ушбу хатни силарга ёзишдан мурод ким-нидир қоралаш, кингидея жазо берилишини талаб қилиш эмас, балки бизнинг бошимизга тушган мусибат қайта тақоррланмасин, инсон ҳаёти ҳам-ма учун бирдек ширин ва азиз эканлигини баъ-зи лоқайд, ўз ишига совуққон врачларга яна бир бор эслатиб қўйиш, уларни инсофу адолатга ча-киришдан иборатдир», деб ўз мактубини тугал-лайди жабрдайда ота.

Чиндан ҳам, ушбу мактубда тилга олинган етти ёшли Муроджоннинг ўлими тафсилоти шов-шувга сабаб бўлди. У тегишли ташкилотлар то-монидан муҳама қилинди. Айбдорларга жазо берилди. Мама уларнинг изоху.

«Хўрматли Комил Қосимович!

Оналар ва болаларни доволаш — профилактика ёрдами БШ бошқармаси етти ёшли Мурод Алиев исмли боланинг Тошкентдаги 3-шаҳар кли-ник касалхонасида вафот этганини ҳақидаги сиз-нинг хатингизни қомиссанга кўриб чикди.

Унда баён этилган фактлар ҳақиқатан ҳам рўй берган. Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш ми-нистрлиги уни синчиклаб ўрганиб, материаллар-ни Тошкент шаҳар прокуратурасига топширди. 3-шаҳар клиник касалхонасининг 1988 йил 14 сен-тябрдаги 193 ва соғлиқни сақлаш БШ бошқарма-сининг 1988 йил 19 сентябрдаги 533-буйруқлари билан болага қараган шахсларга интизомий жазо берилди.

Даволонинг врач А. А. Петросова Ўзбекистон ССР меҳнат ҳақидаги қонуналар кодексининг 1/1 банди, 41-моддасига мувофиқ эғаллаб турган ла-возимидан бўшатилди.

В. П. Глушенко бўлим мудири вазифасидан бў-

шатилиб врач — отоларинголог вазифасига ўтқа-зилди.

Реанимация бўлимининг мудири В. Н. Аксеров, шу бўлимнинг даволонинг врач Ш. Х. Маликов, 3-шаҳар клиник касалхонасининг бош врач Б. Р. Абдуллаевларга ҳафсан эълон қилинди.

Касалхона бош врач ўринбосари С. Ж. Жума-боевга қаттиқ ҳафсан эълон қилинди.

Тошкент шаҳар штовтсиз отоларинголог Д. И. Шенкерга ҳафсан эълон қилинди.

Бош бошқарма бошлиғи ўринбосари Ю. К. ЖАББОРОВА.

Ушбу иш билан нафақат министрлик, балки маъмурий органлар, жумладан Киров район про-куратураси ҳам қизиқди. Давлогага у ердан ку-йидаги мазмунда жавоб хати йўлланди:

Мактуб йўлга чорлади

ЛОҚАЙДЛИК ФОЖИАСИ

«Тошкент шаҳар Киров район прокуратураси сизнинг фарзандингиз М. Алиевга операция қилиш чоғида 3-шаҳар клиник касалхонаси врач-лари номуносиб медицина ёрдами кўрсатгани, бу фарзандингизнинг ўлимига олиб келганлиги ҳақидаги шикоятингиз юзасидан текшириш ўтказди. Чиндан ҳам, операция олиб борган врач ҳа-рокатларида операция ҳолатининг бузилишига йўл қўйилган. Шунингдек, касалхона раҳбарияти томонидан даволаш ишларининг ташкил этилиши устидан назорат бўшатириб юборилганлиги аниқ-ланди. Мазкур факт Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги томонидан ўтказилган тек-ширувда ҳам тасдиқланди. Шу мунсабат билан барча ёйбдор шахслар жазоланди. Врач А. А. Петросова эғаллаб турган вазифасидан бўшати-лди.

1989 йил 3 март қарори билан мазкур факт юзасидан врачлар ҳаракатининг кам-аҳамиятли-лиги мунсабат билан жиноий иш қўзғатиш ҳа-қидаги илтимос рад этилди. (Ўзбекистон ССР жи-ноятлар кодексининг 2-банди, 7-моддаси).

Тошкент шаҳар Киров район прокурату-раси, адлия маслаҳатчиси

С. Х. НОРХУЖАЕВ.

Бу жавоб мактубларидан қандай ҳулоса чиқа-риш ҳар кимнинг ўз ийодига ҳавола. Биз ҳам худди ана шу виждон амри билан Алиевлар оила-си томонидан редакцияга йўлланган мактуб маз-мунини билан тўла танишиб қийиб, ушбу масала билан қайта қизандик. Дастлаб Киров район про-куратури С. Норхужаев билан сўхбатлашдик, 3-ша-ҳар клиник касалхонасида бўлиб, Муроджоннинг ўлими масаласи билан боғлиқ бўлган шифокор-

лар билан учрашдик. Шифохона бош врач хузу-рида бўлган кенгайтирилган йиғилишда улар ўз фикр ва мулоҳазаларини ошқора баён этишди. Айбдорлар некор бўлиб, йўл қўйган ҳаётларини тан олди. Лекин марҳумнинг онаси Маҳмама Алиеванинг сўзини ҳеч ким беъэтибор тинглай олмади.

— Инсон ўз умри мазмунини фарзандлар қа-молида қўлади. Сенинг йўлингиз, оруз-умидла-рингиз сендан кейин фарзандларингиз давом эт-тиради. Мен ҳозир шундай ахволдаманки, ҳали ҳам Муроджоннинг ҳаётдан абадий қўз юм-таини илтифот келмайдми. Ҳар кун у эшикдан кириб келётгандек туюлаверди. Ахир соппа-соғ юрган ўғлимни арзимаган касаллик сабабли қў-лидан етказиб, аўрлаб олиб келиб касалхонага ётқизам-да, ўн икки кундан кейин унинг ўлигини олиб кетсам? Ахир шифокорларимизнинг бун-дай лоқайдлигига қайси ома чидай олади. Инсон ҳаётига шунчалар ҳам бефарқ қарашадими? У гапиролмай қолди. Қалб изтироби овозини бир умр бўтиб қўйди. Онанинг ҳозирги аҳволи-ни ҳаммамиз ҳам юракдан ҳис этиб турадик. Айниқса, Муроджонни операция қилган врач А. А. Петросованинг боши қуйи эгилганди. Бетоқат ва ҳаяжонда эдик.

— Ўғлимиз яшашига ҳақли эди, — деди марҳум-нинг отаси Комил Алиев. — Лекин у бу ҳуқуқдан маҳрум этилди. Бунидаги ўсимта билан бирга аниқлас ҳам аўрлаб олдирилган мурған қалб ўн-иқки кун аёзобланди. Эрталабдан кечгача оёқ-қўлини боғлаб қўйиб уни билангидан, кўнрагидан олма укол билан оқидлатиришди. Чунки бо-ланнинг томонидан сув ҳам ўтмасди. Ҳаёт учун курашиб қараган ёш организм реанимация хо-насида тўлғана-тўлғана жон берди.

Ўғлимиз ўлими тафсилоти билан боғлиқ бўл-ган барча врачларни қораламоқчи эмасмиз, ал-батта. Жумладан, касалхона бош врач В. Аб-дуллаев ва реанимация бўлимининг мудири В. Н. Аксеровлар биз билан баравар таниш чек-кишди. Ўғлимиз ҳаётини сақлаб қолиш учун олиб-югурдик.

Ҳаққоний гап. Кимлардир лоқайдлик қилган, лекин бошқалар лоқайд қараб турмади. Шаҳар-да энг яхши мутахассислар ёрдамга чақирилди. Консултацияга келганлар орасида профессорлар И. А. Бодия, А. Н. Даламухамедов, до-центлар А. С. Мирсодиқов ва Арумановалар бор эди.

Тўғри, ҳужжатларда ўлим қон таркибига туш-ган инфекция туфайли содир бўлганлиги қайд этилган. Бунинг икки эътиш мумкин эмас. Лекин ҳамма гап боланинг ҳаётни сақлаб қолганига-лидир, ушбу қонга тушган инфекция ҳам ким-нингдир масъулиятсизлиги туфайли содир этил-ганлигида, бундай қўнгилсиз ҳол қайта тақор-ланмаслигига боғлиқ.

Тақор айтмамиз, биз юқорида қаламага олган Муроджоннинг ўлими тафсилоти билан боғлиқ бўлган айбдорлар етарлиқча жазо олинди. Энди-ликда улар қилмишларига чин дилдан пўшаймон бўлиб юришибди. Лекин бу воқеа бошқаларга иб-рат бўлсин, тақор содир бўлмасин, деган ният-да уни газетхонлар ҳукмига ҳавола этишга жазм қилдик.

М. КОМИЛЖОНОВ.

«Тошкент оқшоми» муҳбири.

1

Эшагини хих-хихлаб, биқинига ниқтаб кетаётган Афандидан: «Йўл бўлсин!» деб сўрашибди. Афанди «Жума бозо-рига кетяпман», деб жавоб қилибди. «Бугун сешанба-куш дейишган экан, Афанди тўтоқибди: «Бу ярамас эшак мени жумагача бозорга етказса худо-га шукр қилардим», дебди.

— Хи-хи-хи... — эҳисоқол чойхона-чи Қосим сўтак билан гўлаблардан кел-ган Насриддин полвон қўшилишиб ку-лишди. Бирларининг овози ингичка, бирлариники йўғон — худдан чиқадай гўмбирларди. — Эртага Тошкентга кет-япман, — деб чиптасини кўрсатди пол-вон. Дарҳақиқат, областларга кет-яй-ган бозор поездлар ҳар бекатда тўх-тайвериб кишини заритириб юборади.

Донмо тараллабедод катта гапириб юрадиган полвоннинг эрталабдан кай-фи чоғ, пойтахтга келганга бораётгани сабабли кетар жафоси қилиб, девзи-радан олти кишилик ош буюрди. Бош-да дўппи ярикта, оёқда ағдарма этик, белбоғида икки қаричлик дандонсоп пичоқ, одатдагидек бугун ҳам ўғилчиси-ни етказиб чойхонага олиб чиққан эди Қўсмин очиб юрадиган, эрига хиёнат қилдиган аёлларни эшитиб қолса тилиб ташлашга тайин, кўзларининг ола-қула-си чиқарди. У ўлғудай катта оғизу ринд, Қоронгиде тўйга айтадиганларни, йўлга сигарета қолдиргани ташлаб кетадиган-ларни гоётада ёмон кўрарди, қўлига тушса дўппослаб уришга тайёр. Бир ўтиришда «Агар менинг бирон қизим суяқоёқ қикудай бўлса болта билан бошини узиб ташлайман» деган. Бош-қаларини ҳам шундай бўлишга даъват этарди. Ишдан сўнг чойхона ёнида рў-пара келганлар билан у куюқ омонла-шар, кўпларнинг ҳаваси келарди, ёғ

2

заводига азамат ишчи, меҳнати билан кун қўриб, — нонини ҳалол ерди. Тили узун, кимса дилини оғритмаган, бошқа-ларга ҳасад қилмаган, шу хислатлари туфайли одамлар полвонни яхши кў-рарди. Ўғилчисини ҳам худдан ўзига ўхшатиб кийинтирган — устиде кичи-катинга бекасма тўн, оғида қизил этик-ча, белбоғида пластмасдан ясалган ханжар. Ақсидининг бурама мўйлабини хисбига олганда ота-бола жуда ўх-шаш.

— Қосим ака, Акбаржонни олиб чи-қинг, — деди полвон бу гал бошқалар олдида, аяйқиса, ўғилчиси олдида чой-хоначи билан баҳаналашишни ўзига эл кўрмедми, — бир меҳмон қилсангиз. Ахир бу бўлгуси куввингиз-а!

— О-о, ойнаиники кетай қувчамадан! Жамала деган наварам бор, қали буна-қа қиз дунёга келмаган. Икки ашга тўл-ди, мен ҳам тилла тиш қўяман дейди-а! Е тавба! Ҳозирги ҳамма қизлар тилло тишининг пайда. Бунда бир гап борми! Онаси қориндан тушибоқ импорт кийим-нинг фарқи боради-а...

— Э, отанга раҳмат! — деди полвон очилиб, яриқар, — бу ҳам шунча, ўғилбола йигитлардан, ГАЗ-24 ҳайда-ман дейди...

— Хи-хи-хи-хи, — сўтак оғзини кува-ча қилиб қулди, бу эса, унинг гапдан енгилгани эди. «Беллашув ҳеч ким енгол-маган бу сўқимни гап билан енгиб бў-лармиди!» деди ичиде чойхоначи. Пол-вонни беллашган пайтларини кўрган, азот ердан узиб олиб, чархпалак қи-либ урганда ерининг чангини чиқариб юборган... Ҳасадўйлардан пичоқ еган пайтларини ҳам билди. Юраги бакува-ват экан ўлмай тузалиб кетган. Тиф касали илдондек чирмашиб енголмаган.

3

Бутифосдан заҳарланиб, уни ҳам енгиб, даволаниб чиққан... Буларнинг барчаси бир лаҳзада сўтакнинг ҳавлидан ўтди. «Бошинг тошдан бўлсин!» деб отаси дуо қилган экан. «Боши омон бўлсин», — деди ўзига ўзи, — полвонга эътиқод қўйса бўлади».

— Тошкентдан сизга нима олиб ке-лай, ака! — чойхоначига гап қотди пол-вон.

— Яхши бориб, омон-эсон қайтиб келинг, укажон, — деди чойхоначи мамнун, — бизга шу керак. Қўрнине қолса видеомагнитофон олинг, чойхона-ни обод қиламиз. Пулни ҳозир бери-шим мумкин.

— Бўпти, — деди полвон. — Ёлғиз сингилм Ақича у ерда ўқийди. Уни ҳам қўриб келаман. Онанжоримиз тайинла-дилар. Ақли қиз, ўқиб бир нима бўл-моқчи. Жуда тиришқок...

— Омон бўлсин, — деди чойхоначи. Полвон ўғилчиси билан бирга чой ичиб, бирон соатлардан кейин ўрнидан турди. Шу кунгича яқин поездга қайтиб, Тошкентга жўнашди. У Тошкен-таде ўқитган ёлғизгина сингилси Ақича-га телеграмма ҳам бермади, яхшиси борганидан кейин ётқончасига кириб, қўриб чиқарман деди. Онаси берган кийим-кечак, анор, туршагу майназлар-ни чамадонга жойлаб олган эди. Икки-та қирқма қовун ҳам олди; дугоналари билан сўйиб ейишар, пойтахтда ўқит-ган толиби или қизлар хурсанд бўлиш-сини, деди. Ҳар нима бўлганда ҳам ота ўрнида ота.

Афандининг эшагичалик сусткаш бўлмаса ҳам, ҳар қалай поезд эрта би-лан Тошкентга кириб келди. Министр-ликдан чиққан Мераб деган йигит кен-

«Оқшом» учун ёзилган

МИРМУҲСИН,
Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси.

ЙИГИТНИ НОМУС ЎЛДИРАДИ

Ҳикоя

4

гашга келган вакиллари кутиб олиб, «Тошкент» меҳмонхонасига жойлаш-тирди.

Кечқурун ошоналар музофирхонада диққинафас



Америка Қўшма Штатларининг Сиятл шаҳридан бир гуруҳа ўқувчилар шахримизга меҳмон бўлиб келишди. Уларга мўҳим ўқувчилик Барбара Клейнхейт раҳбарлик қилди. Болалар 19-мартдан 7-апрелгача шахримиздаги 17-мактаб меҳмони бўлишди.

Чуқур ўқувчилик меҳмонлари, Шунингдек меҳмонлар рус тили ва ўзбек тили дарсларида ҳам қўшнашди. СУРАТДА: америкалик меҳмонлар. Р. Альбеков фотолари.

МОСКВА—СИЭТЛ, 1990 йилнинг август ойи

Яхши ният ўйинлари халқаро спорт календаридида алоҳида ўрин эгаллайди. СССР Давлат спорт комитети раисининг ўринбосари Вячеслав Гаврилин шундай деб ҳисоблайди. Қўйида АПН муҳбирининг В. Гаврилин билан суҳбатини эътиборингизга ҳавола эта-
миз.

— Яхши ният ўйинлари бошқа ҳеч қандай билан таққослаб бўлмайдиган ўзига хос мусобақалардир. — дейди В. Гаврилин. Чемпионатлар ва олимпиадалардан фарқи равишда Яхши ният ўйинлари катта ижтимоий-сиёсий аҳамиятга ҳам эга. Унинг спортдаги маъно ижтимоидан у жаҳон чемпионатларига яқин туради. Сабаби, Сиятлда 1990 йилда Совет Иттифоқи ва АҚШнинг ана шу даврдаги энг кучли саккизтадан командалари ёки спортчилари иштирок этишади. Аммо мен мазкур ваколатли мусобақаларнинг энг муҳим жиҳати — икки халқ, икки буюк мамлакат ўртасидаги ҳамжиҳатликка ва ҳамкорликка хизмат қилишидир, деб ҳисоблайман.

Москвадаги биринчи ўйинларга тайёргарлик давомида бошқа мамлакатларнинг командалари ва спортчилари-
ни тақлиф этиш гоёси ту-
тилганини сабаби улар интернационал характер касб этди. Шунга қарамай Яхши ният ўйинлари ўз мо-
ҳияти билан Совет—Амери-
ка учрашуви бўлиб қолаве-
ради.

— Қатнашчилар спорт-
нинг қайси турлари бўйича
беллашадилар?

— Ҳаммаси бўлиб про-
граммага спортнинг йигирма
бир тури, шу жумладан қиш-
қиш мусобақаларнинг ик-
ки тури: хоккей ва фигура-
ли учаш киритилган. Спорт-
нинг қолган 19 тури енгил
атлетика, сузиш ва синхрон
сузиш, бокс, волейбол, ел-
канди спорт, теннис, дзюдо,
нафис ва спорт гимнастика-
си, бейсбол, эркаклар ва
хотин-қизлар баскетболи ва
гандболи, оғир атлетика, ве-
лосипед спорти, яшнқак
эшитиш, замонавий беш кураш
ва сувга сакрашдир. Ҳар
бир спорт турининг ичиди
ўз кичик программаси бор.
Масалдан, енгил атлетика
мусобақалардан мен маро-
фони ажратиб кўрсатган
бўлардим, у ўз ҳолига ҳам
ажойиб кўрам томошадир.

— Сиятлга совет спорт
юлдузлари ташриф буюра-
дими?
— Шах-шубҳасиз. Амин-
манки, уларнинг орасида
Олимпиада чемпио-
нлари Сергей Бубка (лангар билан
сакраш), Татьяна Самоленико
(800 метрга югуриш), бас-
кетболчи Арвидас Сабонис,
фигурачилар Екатерина Гор-
деева ва Сергей Гриньков
бўлади. Ўзини биласиз,
мусобақалар бошлангичдан
бир ярим йил аввал коман-
далар состави ҳақида гап-
риш мушкул.

— Спорт делегациялари-
дан ташқари Сиятл кимла-
ри қабул қила олади?

— 450 кишидан иборат
совет спорт делегациясидан
ташқари, менга маълум бў-
лишига қараганда улар ма-
ҳаллий университетнинг
ётоқхоналарига жойлаши-
шади, албатта. СССРдан
спорт ишқибозлари келиша-
ди. Турри, ҳозирча биз
«Интурист» билан совет
спорт мухлисларининг неча
киши бўлиб ва қандай қилиб
Сиятлга ташриф буюриши
ҳақида аниқ музокара-
ларни бошлаганимизга йўл, Алба-
тта, совет тренерларнинг
натта гуруҳи бўлади.
Сиятл—Тошкент билан бир-
дарлашган шахар. Яхши
ният ўйинлари учун Сиятл
тондан ҳам делегация кели-
шига шубҳа қилмайман.
Айтмоқчи, нима учун Яхши
ният ўйинлари учун Сиятл
танланди, деб сурашингиз
мумкин. Сабаби мазкур
ўйинларни ўтказиш учун
Америка шахарлари ўрта-
сида ўтказилган конкур-
сдан Сиятл ғолиб чиқди.

— Тад Тернер Москвада
бўлганида Яхши ният ўйин-
лари унга зарар келтирган-
лигини, аммо Сиятлда улар
ўзини қоплашини айтди.
СССР Давлат спорт ком-
итети биринчи ўйинларда
молиявий жиҳатдан зарар
кўрди? Сиятлда у нима-
ларга умид қилмоқда?
— Ҳа, «Ти-Би-эс» кабел-
ли телевизион тармоғининг
эгаси, Яхши ният ўйинлари-
нинг ташаббускори ва раҳ-
намаси. Тад Тернер 1986
йилда 26 миллион доллар
зарар кўрди. Сиятлда у ана
шу маблағларни қайтара
олади? Ўйлабманки, қай-
тариб олади. Биринчи ўйин-
лар йилда қисқа муддатда,
бир жудан қамроқ вақт ичи-
да ташкил этилган эди. Ҳо-
зир Тернернинг иштирокида
тўрт йил вақт бор. Амин-

(АПН).

Хар тўғрида

Ким ошди савдоси

ПРАГА. Шу куни Прагадаги
«Оржеховка» ресторани бош-
қа тус олади. Одий столлар
ўрнига креслолар қўйилди,
эстрадада эса оркестр ўрнига
челлачилар, йўл сумкалари,
картон кутилар ва соябонлар,
болалар ўйинчоқлари ва спорт
анжонлари уйиб ташланди.
Бу ерда воқзаларда ва
Шимол-ғарбий темир йўлда
унитиб қолдирилган буюмлар-
нинг аъёнавий арзон-гаров
савдоси бўлди. Савдони олиб
боруви ҳисси киши стол
устига йўл сумкасини қўйиб,
ичидан жинси шим, свитер,
қўйлак чиқарди ва умаларинг
дестлабик баҳосини 20 крон
(икки сўм) деб эълон қилди.
Ким кўпроқ пул чиқаради?

Бир минутдан кейин бу буюм-
лар 180 кронга сотилди. 200
га яқин одам қатнашган ким
ошди савдоси ана шундай
бошланди. Туристларнинг чо-
дирлари, газ баллонлари, ма-
сухий палатолар харид қилин-
ди.

— Аммо йилга уч марта ўт-
казиладиган бундай ким ошди
савдоси ўзини тўла оқ-
ляпти, — деди таънаффус
вақтида Шимол-ғарбий те-
мир йўли эксплуатация
қилиш бошқармаси бўлими-
нинг ходими Вацлав Штепан.
Бундай савдога биз темирйўл-
чилар айтиганидек, 300 тага
«жой» келтирамиз. Бу буюм-
ларнинг ҳаммаси бир йил да-
вомида махсус хоналарда сак-

Редактор
Э. М. ЭРНАЗАРОВ.

Реклама ва эълонлар

ЯККА ТАРТИБДА МЕХНАТ ФАОЛИЯТИ БИЛАН
ШУҒУЛЛАНУВЧИ ГРАЖДАНЛАР
ДИҚҚАТИГА!

ДАВЛАТ СТРАХОВАНИЕ ОРГАНЛАРИ

1989 ЙИЛ АПРЕЛЬ ОИИДАН БОШЛАБ
халқ истеъмоли товарларини ишлаб чиқариш ёки аҳоли-
га хизмат кўрсатиш бўйича якка тартибда меҳнат фео-
лияти билан шугулланувчи, бунинг учун патентни
(регистрация гувоҳномаси) бўлган гражданиларнинг мол-
мудлини қўйилган равишда страхование қилади.
Шартномани тузиш шартларига доир батафсил маълумот-
ларни давлат страхованиесининг Тошкент шаҳридаги
барча инспекцияларидан олиш мумкин.
Давлат страхованиесини Тошкент шаҳар бошқармаси,
«Союзреклама» Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш бирлаш-
масининг Ўзбекистон реклама ишлаб чиқариш корхонаси
(телефон: 45-37-24).

КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ ТОШКЕНТ
ШАҲАР ИДОРАСИ 1989 ЙИЛ 3 АПРЕЛДАН
ТОШКЕНТ ШАҲРИ КИНОТЕАТРЛАРИ
ЭКРАНЛАРИГА ҚУЙИДАГИ ЯНГИ БАДИИЙ
ФИЛЬМЛАРНИ ЧИҚАРАДИ

«Тўтиқуш кўтарган аёл»

Сценарий муаллифи — М. Ильенко, А. Пращенко.
Режиссёр — А. Пращенко.
Ролларда: А. Жариков, С. Смирнова, Дима Копп ва
бошқалар.
А. Довженко номли киностудия маҳсулот.

Лирик комедия қаҳрамонлари — москвалик Лена ва
Сергей Қора денгиз соҳилида танишиб қоладилар; Моск-
вага қайтиб, ҳар иккиси «фаровонлик нироби»ни етгач,
уларнинг омади келмаган ёнги кишилар эканлиги маълум
бўлади ва бу уларнинг танишуви давом этишига
олиб келади.

«Рок усулидаги фожиа»

Сценарий муаллифи ва режиссёр — Савва Кулиш.
Ролларда: А. Жариков, С. Смирнова, Дима Копп ва
бошқалар.
«Мосфильм» маҳсулот, 2 серияли.

Таниқли совет режиссёри Савва Кулишнинг янги аса-
рида «оталар гуноҳи» мавзуси фожиа оҳангидида янграйди.
Бу отасининг гуноҳлари азобини тортатган фарзанд фо-
жиясидир... Фильм гитхандлар ҳақида, балогатга етма-
ган ёшлар қандай қилиб оғу таъсирига тушиб қолиши ҳа-
қида. Фильмда рок-музика янграйди.

Кинофильмлар прокати Тошкент шаҳар идораси.
«Союзреклама» Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш бир-
лашмасининг Ўзбекистон реклама ишлаб чиқариш корхо-
наси.

ДИҚҚАТ!

Сув ўтказиш йўллари ва водопровод тармоқларида
ремонт-профилактика ишлари олиб бориш, шунингдек
1989 йил баҳорги-ёзги мавсумига тайёргарлик кўриш му-
носабати билан

«Водоканал» трести

ШАҲАР ВОДОПРОВОДИ АБОНЕНТЛАРИНИ
совуқ сув бўлмагани ва водопровод тармоқларида сув
босимининг қамалиши эҳтиёли борлигиндан

ХАБАРДОР ҚИЛАДИ

3 АПРЕЛДАН
4 АПРЕЛЬ СОАТ 21.00 ГАЧА:
Ленин райони, Чиковани кўчаси, 1-Қўйил, 2-Қўйил,
3-Қўйил, 4-Қўйил турар жой массивларида, Ипподром,
2-Ипподром, Билимдон, Одоблик кўчаларига туташган
уй-жойлар ва ҳуусий секторда сув бўлмайди;
Сергели, Фрунзе районлари, Вревская, Бешкет, Фаиз-
обод, Олтинкўл кўчалари ва уларга туташган уй-жойлар-
да сув босими қамалади.

4 АПРЕЛЬ СОАТ 21.00 ДАН
5 АПРЕЛЬ СОАТ 21.00 ГАЧА:
Бирлик турар жой массиви, Маҳзуна кўчаси ва Ҳалқа
йўли бўйидаги турар жойларда, Инспектор кўчасига ёндош-
ган турар жойларда сув босими қамалади.

5 АПРЕЛЬ СОАТ 9.00 ДАН
6 АПРЕЛЬ СОАТ 21.00 ГАЧА:
Фрунзе районининг Педагогический, Глинка кўчалари
бўйлаб 3-уйдан III. Руставели кўчасига қадар, 2-Охун-
бобоев кўчаси, Сапёрный-Баранов массиви, Баҳодир, Ас-
лони, Прадильни, Танкчилар кўчаларига туташган уй-
жойларда совуқ сув босими қамалади;

Фрунзе райони: Б. Хмельницкий, III. Руставели, Глинка,
Стахановчилар, Қизил Ўзбекистон кўчаларига туташган
уй-жойларда ҳам совуқ сув босими қамалади.

5 АПРЕЛЬ СОАТ 21.00 ДАН
6 АПРЕЛЬ СОАТ 21.00 ГАЧА:
Калинин район маркази ва Ҳалқа йўли атрофида жой-
лашган Инспектор кўчасидан бошлаб «Алгоритм» турар
жой массивига бўлган участкада совуқ сув босими қа-
малади.

6 АПРЕЛЬ СОАТ 9.00 ДАН
7 АПРЕЛЬ СОАТ 9.00 ГАЧА:
Куйбишев райони, «Геофизика» посёлкисидида совуқ сув
бўлмайди.

«1, 2, 3-Қорасув» массивларида сув босими қамалади.

11 АПРЕЛЬ СОАТ 00.00 ДАН
12 АПРЕЛЬ СОАТ 21.00 ГАЧА:
«К. Маркс», «Коммунизм» колхозлари, Ҳасанбой по-
селкиси, Тут питомини совхоз, «ЎзССР 50 йиллиги» кол-
хоз, Ватутин участкаси ва Ҳалқа йўли атрофидаги турар
жойларда сув бўлмайди;
Юнусов массиви 4, 8, 11, 12, 13, 14-кварталларда
сув босими қамалади.

11 АПРЕЛЬ СОАТ 9.00 ДАН
12 АПРЕЛЬ СОАТ 9.00 ГАЧА:
Акмата Икромов райони, Калинин массиви, Шоир, Ис-
тироҳат ва Ҳалқа йўлга туташган уй-жойларда совуқ сув
бўлмайди;

С. Раҳимов райони: ТошМИ, Медиклар шаҳарчаси, 1,
2, 3, 4-Танқибоев турар жой массивларида, А. Икромов
райони: Зие Саид, Уйғур кўчаларига туташган уй-жой-
ларда, «Октябрь» ва «Бейшарғач» массивларида совуқ
сув босими қамалади.

12 АПРЕЛЬ СОАТ 9.00 ДАН
13 АПРЕЛЬ СОАТ 9.00 ГАЧА:
Ж. Обидова кўчасига туташган уй-жойларда, 1-Чердан-
цев массиви, «Академиклар шаҳарчаси» турар жой мас-
сивида совуқ сув бўлмайди ва сув босими қамалади.

13 АПРЕЛЬ СОАТ 9.00 ДАН
14 АПРЕЛЬ СОАТ 9.00 ГАЧА:
Б-1, Б-3 массивлари, Марказ-26, 27 массивларининг
9 қаватли уйлариди сув бўлмайди;
Марказ-26, 27 массивларида сув босими қамалади.

13 АПРЕЛЬ СОАТ 21.00 ДАН
14 АПРЕЛЬ СОАТ 21.00 ГАЧА:
Марказ-5, 6 массивларида, Энгельс кўчаси, Ленин про-
спектининг Хурийд кўчасидан Навоий кўчасигача бўлган
қисмидаги турар жойларда сув босими қамалади.

СУВ БЎЛМАГАН ЕРЛАРГА АВТОВОДОВОЗЛАРДА
СУВ ЮБОРИЛАДИ.

Справалар учун телефонлар: 33-15-95, 33-75-95, 56-
60-06.

Пойтахт радиотўқинларида

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА
ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН
ҲАФТАЛИК ТЕЛЕКУРСАТУВЛАР
ВА РАДИОЭШИТИРИШЛАР
ПРОГРАММАСИ

ПОЙТАХТ
РАДИОТЎҚИНЛАРИДА

Шоҳар тармоғи ва УКВ
4,46 м орқали
(яшанбадан ташқари)
17.00 «Тошкент ва тошкент-
ликлар» программаси (сешан-
ба, пайшанба ва шанба кун-
лари), 17.40 Реклама ва эълон-
лар, 17.50 «Тошкент оқшоми»
ва «Вечерний Ташкент» газе-
таларининг обзори.
450.45 м тўқиндаги ра-
диостанция орқали
13.00 Тошкентликлар учун
концерт (пайшанба, яшанба
кунлари), 13.30 Область ахбо-
роти (ўзб, рус.), 13.50 «Тош-
кент ҳақиқати» ва «Ташкентс-
кая правда» газеталарининг
обзори.
19.30 да.
ДУШАНБА, 3. IV: «КПСС
Марказий Комитети март Плену-
ми қарорлари — ҳаётга»,
Коммунистик районини эшит-
тириш.
СЕШАНБА, 4. IV: «Ижара
пудратига», Олмалик пиво-
алкоголсиз салқин ичимликлар
заводида репортаж.
ОРШАНБА, 5. IV: «Ўртоқ
ўсимир», Радиоужнал (рус.).
ПАЙШАНБА, 6. IV: «Пил-
лачилик истиқболлари: муам-
молар ва ечимлар», ВАСХНИЛ
Ўрта Осиё бўлими пиллачилик
илимий-тадқиқот институтидан
репортаж.
ЖУМА, 7. IV: «Ташкентс-
кий меридиан», Радиоужнал
(рус.).
ШАНБА, 8. IV: «Радио-
тингловчи сўрайди, маслаҳат
беради, танқид қилади».

СОҒЛОМЛАШТИРИШ ГРУППАЛАРИДА
ИШЛАШНИ ХОҲЛАСАНГ, — МАХСУС
КУРСЛАРДА ТАЪЛИМ ОЛ!

АПРЕЛДАН БОШЛАБ
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ФИЗИКУЛТУРА
ИНСТИТУТИ БАЗАСИДА
ЖИМСОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
ИНСТРУКТОРЛАРИНИ ТАЙЯРЛАШ БЎЙИЧА
ХУЖАЛИК ҲИСОБИДА ИШЛОВЧИ
КУРСЛАР ОЧИЛДИ

Курслар пулли физкультура-соғломлаштириш группалари,
ҳўжалик ҳисобидидаги физкультура-соғломлаштириш
бирлашмалари, болалар ва ўсимирлар физкультура-спорт
клублари (яшаш жойидаги), саломатлик мактаблари,
физкультура ва спорт ишқибозлари клублари, алоҳида
физкультура-соғломлаштириш ва спорт машғулотлари
(ихтисослиги) турлари бўйича кооператив фаолияти до-
расида ишлаш ҳуқуқини беради.

Ўқиш формаси — кечки, ишлаб чиқариш ёки ўқидан
ажралмаган ҳолда.

Ўқиш муддати — 2,5 ой.
Курсларга педагогик, медицина билимига ёки физкуль-
тура лавозимларида камида 1 йил иш стажига эга бўл-
ган, спорт тайёргарлигига эга бўлган ёки спорт тайёргар-
лигини ўтаётган, спорт кўрсаткичи 2-разряддан кам бўл-
маган кишилар, биринчи разряддан кам бўлмаган спорт
тайёргарлигига эга ўрта махсус ёки олий маълумотли,
спорт маълумотли кишилар қабул қилинади.

КУРСЛАРГА ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР
БЎЙИЧА ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ:

умумжамеиявий тайёргарлик ва саломатлик гуруҳи;
ритмик ва бадий гимнастика;
атлетик гимнастика;
оғир атлетика ва тош спорти;
футбол;
ГТО кўпкураш комплекси;
кураш;
теннис;
стол тенниси;
спорт массажи ва кучни фаол тиклаш.
Йўлнамалар район спорт комитети томонидан берил-
ди.

Курсларга кириш учун қўйидаги ҳужжатларни топи-
риш лозим: ариза, қадрларни ҳисобга олиш варақаси,
маълумот ҳақидаги диплом ёки етуклик аттестатининг
нუსхаси, классификациялаш заҳат дафтраси, медицина
справкиси (086/У форма), 2 донна фотосурат (3х4 см.).
Таълим учун — 80 сўм 27 тийин ҳақ тўланади.
Адрес: Тошкент шаҳри, Новомосковская кўчаси, 2-уй.
Телефон: 68-08-29.

ДИҚҚАТ!

1989—1990 йиллар ис-
тиф мавсумига тайёргарлик
кўриш муносабати билан

Глинка кўчасида жойлаш-
ган (III. Руставели кўчаси-
дан бошлаб Полторацкий
кўчасигача бўлган участ-
ка) истеъмоличиларга иссиқ
сув бериш

4 АПРЕЛДАН 18
АПРЕЛЬГАЧА, 15 кун
муддатга

ТУХТАТИЛАДИ
«ТАШТЕПЛОСЕТЬ» корхо-
наси (телефон: 33-32-32).

ПАССАЖИРЛАР

ДИҚҚАТИГА!

«КИЗИЛ ШАРҚ», «АЛ-
ГОРИТМ-2» массивлари
аҳолисида транспорт хизма-
ти кўрсатишни йўлга қўйиш
мақсадларида

ҚУЙИДАГИ ТАДБИРЛАР
АЖАЛДА ОШИРИЛАДИ:
29-автобус маршрути ик-
кига — 29 ва 102-автобус
маршрутларига бўлиниди;
29-автобус маршрути:
«Оқтепа» майдони— Яшин
кўчаси» оралигида мавжуд
трасса бўйича қатнайди;
«Алгоритм» заводидан
Шевардин, Гулистон, По-
гнашчилар кўчалари ва у
ёнига 29-автобус маршрути
бўйича Фарҳод бозори ор-
қали «Оқтепа» майдонига
қатновчи янги 102-автобус
маршрути очилди.

Справалар учун телефон:
34-82-99.
Тошкент шаҳар Совети
ижроия комитетининг барча
турдаги шаҳар пассажир
транспорт иштини мувофиқ-
лаштириш ва ривожланти-
риш бошқармаси.

ПАССАЖИРЛАР

ДИҚҚАТИГА!

«УЗБЕКОХИЯНИ» рес-
публика илмий-ишлаб
чиқариш бirlашмаси
катта асортиментда
боғ ва узумзорларнинг
зараркуналларига қарши
курашини учун самарали,
инсон ва атроф муҳитга
зиёнсиз

феромон тутқичлар ва
биопрепаратларни
СОТАДИ
Адрес: 700000, Тошкент
шаҳри, ГСП, Энгельс кўча-
си, 62-уй, 22-хона. Телефо-
лар: 35-16-62, 35-42-64.

Тошкентдаги 15-СПТУ то-
монидан Исмомов Рўзбой
Ҳайдарович номига бўзилган
284588 номерли йўқолган
ДИПЛОМ
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар, Киров
районидидаги 83-ўрта мактаб
томонидан Хожимуратова
Зульфия Битбаевага номига
бўрилган 990247 номерли
йўқолган
УРТА МАЪЛУМОТ
ТЎҒРИСИДАГИ
АТТЕСТАТ
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

КОРХОНАЛАР ВА

ТАШКИЛОТЛАРНИНГ

РАХБАРЛАРИ

ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон ССР Уй-жой
коммунал хўжалиги минист-
рлигининг

«ЎЗРЕМСТРОЙ» ИШЛАБ
ЧИҚАРИШ
ВИРЛАШМАСИГА
ҚАРАШЛИ
НОРМАТИВ-ТАДҚИҚОТ
СТАНЦИЯСИ

ТУГАТИЛДИ

Давролар эълон чиққан
қундан бошлаб бир ой мо-
банияда қўйидаги адресда
қабул қилинади: 700059,
Тошкент шаҳри, III. Руста-
вели кўчаси, 93-уй. Теле-
фонлар: 53-11-35, 53-56-25.

«ТВ» «Тошкент»

студияси кўрсатади

УзТВ XI каналда.
СЕШАНБА, 4 АПРЕЛЬ
21.00 «Тошкент» студияси
кўрсатади. «Беш йиллик: иш-
лар ва одамлар», Тошкент
области кишлоқ меҳнаткаш-
ларига маъий хизмат кўрса-
тиш муаммолари ҳақида.
ЧОРШАНБА, 5 АПРЕЛЬ
21.05 «Тошкент» студияси
кўрсатади. «Пўльс», Информа-
цион кўрсату.

ПАЙШАНБА, 6 АПРЕЛЬ
20.30 «Тошкент» студияси
кўрсатади. «Шаҳар портрети»
(такрор.).

ЖУМА, 7 АПРЕЛЬ
21.05 «Тошкент» студияси
кўрсатади. «Пўльс», Информа-
цион кўрсату (рус.).



НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК
ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА
ТЕАТРИДА — 5/IV да Қўшга
таъзим қил.

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК
ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА
ТЕАТРИДА — 4/IV да Абдул-
ла Қодирийнинг ўтган кунлари
(19.30), 5/IV да Юлдузли ту-
нлар (19.30).

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАР-
ДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА —
5/IV да Отасининг қизи (19.30).